



# UZINVEST.UZ

## ЛОЙИХАЛАРНИ ИЗЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Лойихани ишга тушириш учун зарур бўлган инвестиция миқдори:

**5 200 \$.**

Инвестицияни қоплаш муддати: **2,5 йил.**

Лойиха бўйича қўшимча маълумот олиш учун:

+99898 338 93 33

+99890 925 96 81

Тошкент ш., Миробод тумани,  
Ойбек куч. 22, "NEW WORLD"

Бизнес маркази, 2 кават  
info@uzinvest.uz



### Лойиха №301

#### Тошкент шаҳридаги виртуал музей

Лойиха махсулоти бўлиб Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари ёки ҳар қандай музейга виртуал вебсайт орқали ташриф буюриш хизмати ҳисобланади. Алоҳида диққат марказида бўлиб жамоат жойларига ўзининг жисмоний ҳолатига кўра ташриф буюраолмайдиган кимсалар ҳисобланади (қариялар, соғлиги кўтармайдиганлар, кам таъминланганлар). Тахминий хизмат кўрсатиш ҳажми сайтга ташриф буюрувчилар сонига тенгдир. Ахир, барча лаёқатсиз инсонлар буни қилишлари мумкин.

Талаб қилинадиган инвестициявий сумма: **42 025 000 сўм = 5 200 \$** ташкил қилади. Бунга қуйидагилар киради:

1. Кўчма илова ва сайтни ишлаб чиқиш (хусусий программачи ёки ихтисослаштирилган фирмага ишлаб чиқиш учун буюртма бериш) – **16 700 000 сўм** (мен программачилар билан музокаралар олиб бордим, уларнинг таъкидлашларича, бу энг қиммат вариант эмас).
2. Кўчма илова ва сайт маъмурияти учун шахсий компьютер (ҳисоботлар, реклама буклетлари яратиш, форумларда иштирок этиш, ташриф буюрувчилар ва музейлар билан ёзишмалар, мавзунини янгилаш ва бошқалар учун), принтер ва сканер билан (ҳисоботлар, буклетлар ва бошқа қоғозли ишларни босиб чиқариш учун) – **12 250 000 сўм** (магазин томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-фактурага қараб сумма ўзгариши мумкин).

3. Видеороликлар яратиш ва танланган музей экспонатларини расмга олиш учун фотоаппарат – **13 075 000 сўм** (юқори кенгайдиган камералари бор сифатлиги керак).

**Жами 42 025 000 сўм.**

Бугунги кунда лойиха ташаббускорига ёрдам бериш бўйича маданият ишлари вазирлиги раҳбарияти ва музейлар директорлари билан келишувларгина бор ҳолос (музейларга боришни ташкил қилиш, экспозициялар бўйича маълумотларни тақдим қилиш).



info@uzinvest.uz



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681

31.03.2019

Лойиҳа ахборий интернет бозорида фаолиятини олиб боради. Сайтга ташриф буюрувчи ҳар бир хусусий шахс – бу лойиҳа махсулоти истеъмолчисидир.

**Лойиҳанинг рақобатбардошлик афзалликлари:** Ўзбек бозорида муқобилининг йўқлиги.

Мазкур махсулотга эҳтиёжнинг мавжудлиги, шунингдек, унга талабнинг юқорилиги.

**Лойиҳани амалга ошириш муддати 4 ой қилиб белгиланади.**

Лойиҳани амалга оширишдан кўриладиган дастлабки фойда:

Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон бўйича ўртача маълумотлардан келиб чиқиб амалга оширилган эди:

- Соғлигининг аҳволига кўра ҳаракатланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар сони – 1 075 000 киши.

- Кам таъминланган ёки қашшоқлик даражасида яшаётганлар сони – 877 300 киши.

- Ахборий ва идрок этиш характеридаги пуллик сайтларга ташриф буюраётганларнинг ўртача сони – 3 625 киши кунига.

- Виртуал музейга бир марта ташриф буюриш учун тўланадиган тахминий тўлов – 30 сўм (самарадорлик даражасининг пастки чегараси олинган, келгусида билет нарҳи ташриф буюриш учун 233 сўм гача кўтарилиши мумкин).

**Ушбу ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб фойданинг ўртача ҳисобини қилса бўлади:**

- кунига – 108 750 сўм,

- ойига – 3 262 500 сўм.

Лойиҳани амалга оширишдаги дастлабки ҳаражатлар:

- хусусий тадбиркорнинг белгиланган солиғи – 561 900 сўм,

- интернет ҳаражатлари – 250 000 сўм,

- маъмурият маоши – 1 000 000 сўм.

Жами ҳаражатлар **1 811 900 сўм.**

Дастлабки соф фойда: **1 450 600 сўм ойига.**

Лойиҳани ишга тушуриш вақтидан бошлаб инвестицияни қайтариш муддати **2,4 йил** (барча соф фойда инвестицияни қайтариш учун ойма ой сарфланади).

**Лойиҳадаги инвесторнинг таклиф қилинадиган үлүши – 100 % (лойиҳанинг бошидан охиригача).**

Лойиҳанинг даромадлари ҳақидаги маълумотлар:

1. Музейларга ташриф буюриш пайнет тўлов тизими орқали билет сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Самарадорликка чиқиш учун билет нарҳи 30 сўм. Бу пастки чегара. Уни 233 сўмгача кўтариш мумкин.

2. Мавсумийлик хизматларни амалга оширишга таъсир қилмайди. Йил давомидаги талаб ва тўла рақобатсиз таклиф.

3. Хизматлар хилма хиллиги – Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидаги турли хил музей ва архитектура ёдгорликлари.

Лойиҳага шахсий ҳиссам:

Мен, лойиҳа ташаббускори сифатида, уни бошқаришни, оператор, маъмур бўлишни хоҳлар эдим. Умуман маблағларим йўқлиги сабабли унга ҳеч қандай маблағлар кирита олмайман.

Ишлаб қичаришнинг самарадорлиги (тан нарҳи) - **80 %.**



info@uzinvest.uz



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681